# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 14

**Самарқанд шаҳри**

**<<26>> январ 2022йил**

"Улгуржи таминот "Х.К. кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар Солиев Д номидан, бир томондан ва СамМИ 1-клиникаси, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи бош врач Абдуллаева Н.Н. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар

## 1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1.Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан "Сотиб олувчи"га мулк қилиб топшириш, "Сотиб олувчи" эса товар (махсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (маҳсулотлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Бахоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мол гўшти | кг | 894 | 70 000 | 62 580 000 |
| | Жами | | | | 62 580 000 |

1.2.Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 й <<31>> декабргача

## 2.ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1.Ушбу шартноманинг умумий суммаси Олтмиш икки миллион беш юз саксон минг сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 18 774 000 сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 43 806 000 сўмни, яъни келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов хисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31" декабргача амалга оширилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2.Товар (маҳсулот)ларнинг сифатли ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларига мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (махсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартномани ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3.Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳаққини тўлаш.

## 4.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгаришлари унинг ажралмас қисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа холларда қайта тузилиши мумкин.

## 5.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди;

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5% миқдорида, тез бузиладиган товарла бўйича эса 10% миқдорида жарима тўлайди;

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширмаганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.5.Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмнинг 0,5% миқдорида пения тўлайди, бироқ бунда пениянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50%дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7.Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.



Scanned by TapScanner

## 6.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

1. Мазкур шартнома 2022 йил <<26>>январдан 2022 йил <<31>> декабргача амалда бўлади.
6.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади;
6.3.Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
-томонларнинг келишувига мувофиқ;
-Ўз.Р. қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолларда,
-Форс-Мажор холатларда.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун ҳамда бошқа қонун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади.
7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокара йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Иктисодий судида ҳал қилинади.

## 8.ФОРС-МАЖОР

8.1.Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, хукумат тадбирлари, хокимят органларининг қарорлари, харбий низолари, ёки тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.
8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

## 9.БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.
9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосон ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатдан илгари бекор қилиниши мумкин.
9.3. Мазкур №14 сонли шартнома <<26>>январдан 2 нусхада тузилган бўлиб, 2022 йил <<26>>январдан 2022 йил <<31>> декабргача амал қилади, Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

## 10.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**<<СОТУВЧИ>>**
" Улгуржи таьминот"Х.К
Самарканд тумани. Талибарзу кургони МФЙ
х/р: 20208000705085410001
АКБ «Капитал Банк»Сам.фил.
МФО: 01061
ИНН: 306478950
ОКОНХ:
Тел/факс:

Директор: (имзо) Солиев Д
Муҳр:

**<<СОТИБ ОЛУВЧИ>>**
СамМИ 1-клиникаси
Самарқанд шаҳар Анкобай куч 6-уй
ш/р: : 401310860184017073101054003
Банк номи: ДАТ Ипак Йўли
МФО: 00283
ИНН: 201007901
ОКОНХ: 91511
Тел /факс:

Бош врач : Абдуллаева Н.Н
Муҳр:

Молия Вазирлиги Ғазначилиги ягона
Ғазна ҳисоб варази
х/р 23402000300100001010
Марказий банк Тош. Шахар бош бошқармаси
ИНН: 201122919
МФО: 00014

Хукукшуноснинг хулосаси : Ушбу шартнома лойихаси Узбекистон Республикаси Фукоролик Кодексининг 353 ва 354 моддалари хамда 437-456- моддалари хамда Узбекистон республикасининг 29.08.1998 йилдаги "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида"ги Конуннинг 11 булим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради.

Хуқуқшунос (имзо) Амиров Ж.          Хуқуқшунос (имзо)



Scanned by TapScanner

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ**

**Қашқадарё ССМ ДК "KASHSERT" сертификатлаштириш идораси**

**UZ.AMT.06.MAI.318 Қарши шаҳар, Хўжабоғ кўчаси, 6-уй. Тел (8-375) 221-16-70**

(Сертификатлаштириш идораси номи, манзили, Давлат реестридаги рақами)

№ 2343805

# МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

"03" Октябр 2019 йилдан

UZ.SMT.01.318.2514390 сон билан

Давлат реестрида рўйхатга олинган.

Амал қилиш муддати

"03" Октябр 2022 йилгача

ТИФ МН коди

(маълумот учун)

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти "ZAXIRA GO'SHT TAYYORLOV" X.K.

(корхона, фирма, ишлаб чиқарувчи мамлакат)

Ушбу сертификат тасдиқлайдики, тегишлича идентификацияланган махсулот:

****** 1-Тоифали мол гўшти (Янги сўйилган) *******

**"Тольстолобик" "Сазан" номли тирик Балиқлар**

**Серияли ишлаб чиқариш.**

(миқдори ёки серияли ишлаб чиқарилиши) (номи, тури, хили, русуми)

**ГОСТ 779-55 нинг 2, 3, 5.6, 13** меъёрий ҳужжат талабларига мувофикдир.

**Uz TR 36-030:2018 бандлари талабларига ва Сан Пин 0283-10.**

Сертификатлаштириш схемаси: **№4**

Буюртмачи (тайёрловчи, сотувчи) **"ZAXIRA GO'SHT TAYYORLOV" X.K.**

(кераги тагига чизилсин)

**Ўзбекистон Республикаси. Самаарқанд вилоят. Нуробод тумани Улус махалла.**

(манзил)

Сертификатга асос бўлган:

**2019 йил 30 сентябрдаги намуна танлаш далолатномаси.**

а) хужжатлар

**Жиззах ВДСЭНМ нинг 03.10.19й № 227076 сонли Санитария эпидемиологик хулосаси.**

**UZ.AMT.07.MAI.949; 03.10.19й № 360-359 №186. 03.10.19 № 100 сонли синов баённомалари.**

**Қашқадарё ССМ ДК аккредитланган синов лабораториясининг**

б) намуналар синови

**2019 йил 02 октябрдаги №1126 сонли синов баённомаси. UZ.AMT.07.MAI.011.**

**03.10.2019 йилдаги И/Ч текшириш далолатномаси .**

в) ишлаб чиқаришни текшириш далолатномаси

**Йилига бир маротаба. Қашқадарё ССМДК.**

Инспекцион назоратни даврийлик билан амалга оширади.

Алоҳида ёзувлар:

**Маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш қоидаларига амал қилган холда мувофиқлик сертификати хақиқий деб хисобланади.**

Мувофиқлик белгиси қўйилади: **Товар кузатув хужжатларида.**

Илова: Мувофиқлик сертификатининг нусхаси фақат сертификатлаштириш бўйича идора ёки асл нусха эгаси томонидан муҳр билан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқийдир.

Сертификатлаштириш идораси раҳбари М.Ў. (имзо) **Ш. А. АЗИЗОВ.** (Ф.И.О.)

Эксперт М.Ў. (имзо) **Х.Қ. УЗОҚОВ.** (Ф.И.О.)

Scanned by TapScanner

«QASSOB TADBIRKOR» MCHJ
ҚУШХОНА

Вақтинчалик тартибга
илова

Олд томони

**Чорва молларини автоматлаштирилган равишда сўйиш ва терига бирламчи ишлов беришга ихтисослаштирилган "мини-комплес"да тайёрланганлиги тўғрисидаги**

**МАЪЛУМОТНОМА № 1**

**"5" январ 2021 йил**

Чорва молларини автоматлаштирилган равишда сўйиш ва терига бирламчи ишлов беришга ихтисослаштирилган "QASSOB TADBIRKOR" хусусий корхонаси томонидан сўйилган ва ветеринария врачи Салиев Кобилжон Мухаммадиевич текширувидан утган 3 (уч) бош 901 (тўққиз юз бир) кг

(дона, кг, бош)

________________ гўшт кейинчалик сотиш ёки қайта

(соф гўшт вазни)

ишлаш учун "Югурдик Таъминот" ХК.

корхонасига берилди. (ташкилот номи)

Маълумотномани сохталаштириш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**"мини-комплекс" ташкилоти раҳбари** ________ **Д. Солиев**

**М.Ў.**

**Ветеринария врачи** ________ **К. Салиев.**

**М.Ў.**

ВЕТСЛУЖБА
ПРЕДВАРИТЕЛЬНЫЙ
ОСМОТР
08 02-21

Scanned by TapScanner

Орқа томони

"Ишончли таъминот" Х.К. ташкилоти томонидан ______кг мол (қўй) гўштининг бюджет ташкилотларига (ижтимоий соҳа муассасалари) етказиб берилишини ҳисобини юритиш бўйича қайд жадвали

| № Т/р | Бюджет ташкилотининг номи | Бюджет ташкилотининг жойлашган манзили | Шартнома рақами ва санаси | Шартномага асосан етказиб бериладиган гўшт миқдори (кг/тн) | | Бюджет ташкилоти маъсул ходимининг имзоси ва муҳри |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | рақамда | Сўз билан | |
| 1 | 1-клиника | Анкабой б. | №14. от 14.01. | 894 | Саккиз юз тўқсон | [signature, stamp] |
| 2 | СамМИ | | | | тўрт кг | |
| 3 | | | | | | |
| 4 | | | | | | |
| 5 | | | | | | |
| 6 | | | | | | |
| 7 | | | | | | |
| 8 | | | | | | |
| 9 | | | | | | |
| 10 | | | | | | |
| 11 | | | | | | |
| 12 | | | | | | |
| 13 | | | | | | |
| 14 | | | | | | |
| 15 | | | | | | |

Scanned by TapScanner